



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 29 июл, шанба №108 (940)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

МАВЖУД ИМКОНИАТЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ - ЮКСАЛИШ ГАРОВИ

28 июль куни Қаршида халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда республика вазириликлари ва идоралари раҳбарлари, шаҳар ва туман хокимлари, вилоят ташкилотларининг вакиллари, вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари қатнашди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Давлатимиз раҳбари ўз сўзида Қашқадарё вилоятининг мамлакатимиз иқтисодиётида тугган ўрни ва салоҳиятига юксак баҳо берди. Республиканинг асосий нефть ва газ захиралари Қашқадарё ҳудудида жойлашган. Вилоят республикамизда қазиб олинмаган газнинг 88 фоизини, нефтининг 92 фоизини етказиб беради. Дон ва пахта етиштиришда ҳам олдинги ўринлардан бирида туради.

Сессияда сўзга чиққан Қарши Давлат университетининг ректори, Олий Мажлис депутати Н.Жақимов, Халқ демократик партияси вилоят Кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Ф. Омонов, Қамаш тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси, туман ҳокими ўринбосари Д.Холбоева, Китоб туманидаги «Китоб» агрофирмаси раҳбари З.Бурхонов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шoirи А.Орипов ва бошқалар Юртбошимиз нутқида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш тасдиқлади.



барча даражадаги раҳбарларнинг бурчи эканлигини таъкидлади.

Муслимон Намозов, Абдужалол Тайпатов, ҲА махсус мухбирлари.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар! Хурматли депутатлар! Бугун сиз, азизлар билан учрашиб турганимиздан фойдаланиб, сизларга, сиз орқали Қашқадарё воҳасига ва шу заминда яшайдиган барча инсонларга ўзининг хурмат-эҳтиромини изхор этмоқчиман.

Қашқадарёни таъриф ва тавсиф этганда, унинг ер ости ва ер усти бойликлари ҳақида, бутун мамлакатимизни бу табиий захиралардан олинмаган маҳсулотлар билан таъминлашдаги ўрни ҳақида, пахта, галла етиштириш бўйича етакчи ўрнида туриши, бу воҳанинг бетақрор табиати тўғрисида кўп сўз юришимиз мумкин.

Ҳозирги пайтда барпо этилаётган Шўртан газ-нефть қўзғаткичи ва маҳсулотлари секундига 240 куб метр Амударё сувини 132 метр баландиликка - Толлимаржон сув омборига кўтариб бериб, охириги йилларда 200 минг гектар ерни ўзлаштириш имконини бергани ҳам бу ерда ҳақиқий миришкор, изланувчан одамлар меҳнат қилаётганидан далолатдир.

Азиз юртдошлар! Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, Қашқадарё вилояти юксак ишлаб чиқариш салоҳияти билан бирга, бой тарихий аъёнларга ҳам эга. Воҳада кўп асрлик тажрибаси бўлган ўзига хос деҳқончилик ва чорвачилик мактаби мавжуд. Бу ерда қадимдан кулолчилик, хунармандчилик, темирга ишлов бериш сингари санъатнинг дастлабки кўринишлари вужудга келган.

етарлича аҳамият берилмапти. Одамларни олдимизда турган қийинчиликларни енгиш йўлида белни маҳкам боғлаб меҳнат қилишга даъват этиш, уларнинг руҳини кўтариш, уларни бошқариш, тўғри йўл кўрсатиш, бир кунлик ўткични ташвишлар билан эмас, балки эртанги кунимизни, келажакни, фарзандларимизнинг истиқболини ўйлаб, янги-янги марраларга интилиб яшаш, бутун борлигимизни ана шу мақсадларга эришиш учун сафарбар қилишда, афсуски, вилоятда ҳеч қандай ўзгариш сезилмаётганини, бу борда заиф бўлиб турганимизни айтиб ўтмоқчиман.

Аммо кейинги йилларда вилоят халқ хўжалигининг барча соҳаларида қолоқлик, орқага кетиш ҳолатлари кўзга ташланыпти, деди Президент. Иқтисодий ислохотлар суяст бормоқда. Бу йил галла тайёрлаш 59 фоизда қолиб кетди. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, фермерлар, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилмапти. Айниқса, қишлоқ хўжалигида ишни тўғри ташкил эта билмаслик оқибатида аҳолининг турмуш шароити яхши томонга ўзгармапти. Деҳқонлари бой юртини обод бўлишини асло ёддан чиқармаслик лозим. Шундай қатта имкониятларга эга вилоятда 27 фоиз аҳоли тоза ичимлик суви, 42 фоиз аҳоли табиий газ билан таъминланганини қандай изоҳлаш мумкин. Бугун мамлакатни газ билан таъминлайдиган воҳа газлаштириш бўйича вилоятда ўртасида охириги ўринлардан бирида турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Б.С.Ҳамидовни Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 - (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ;
Бахтиёр Султонович Ҳамидов Қашқадарё вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2000 йил 28 июл

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Б.С.Ҳамидовни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги вазифасидан озод қилиш тўғрисида
Бахтиёр Султонович Ҳамидов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари - Ўзбекистон Республикаси Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги вазифасидан озод қилинсин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2000 йил 28 июл

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ
Ш.Р.Бегматовни Қашқадарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этиш тўғрисида
Шўхрат Раҳимович Бегматов бошқа ишга ўтиши муносабати билан Қашқадарё вилоятининг ҳокими вазифасидан озод этилсин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2000 йил 28 июл

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ҚАРОРИ
ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши қарор қилади: Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси 2000 йил 30 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси **Э.ХАЛИЛОВ**
Тошкент шаҳри, 2000 йил 28 июл.

Қашқадарёни таъриф ва тавсиф этганда, унинг ер ости ва ер усти бойликлари ҳақида, бутун мамлакатимизни бу табиий захиралардан олинмаган маҳсулотлар билан таъминлашдаги ўрни ҳақида, пахта, галла етиштириш бўйича етакчи ўрнида туриши, бу воҳанинг бетақрор табиати тўғрисида кўп сўз юришимиз мумкин. Бу вилонинг ҳаммаси ўринли, ҳаммаси асосли бўлади.

Қашқадарё ҳақида гапирганда мен аввало бу саховатли заминдаги бағрикенг, юраги тоза, ҳаёт синовларида чиниққан, чўл шамолларида қорайган, қўли қадор деҳқонларни, қонларда тер тўкиб ишлаётган одамларни кўз олдимга келтириб, фидокорона меҳнат, инсоний фазилатлари учун уларга доимо таъзим қиламан.

Қадимий Кеш, Насаф, Косон, Ғузур ва бошқа ўнлаб шаҳарларда бунёд этилган мадраса, рабат, масжид ва қарвонсаройлар, тарихимизнинг ноёб ёдгорлиги бўлмиш Шахрисабздаги Оқсарой каби кўплаб меъморийлик обидалари олис аждодларимизнинг бетақрор турмуш маданиятидан, бунёдкорлик салоҳиятидан далолат беради.

Бу юрт айти пайтда башариятнинг маънавий тараққиётига сезиларли хисса қўшган буюқ фарзандлари билан ҳам маълум ва машҳурдир. Биргина Насаф шаҳридан чиқиб «Насафий» тахаллуси билан шўхрат қозонган ўндан ортик олимларнинг номи ҳаммамизга яхши маълум. Ислон оламини ўзининг бебаҳо

қадриятининг маънавий тараққиётига сезиларли хисса қўшган буюқ фарзандлари билан ҳам маълум ва машҳурдир. Биргина Насаф шаҳридан чиқиб «Насафий» тахаллуси билан шўхрат қозонган ўндан ортик олимларнинг номи ҳаммамизга яхши маълум. Ислон оламини ўзининг бебаҳо

Ижтимоий ҳимоя НУРОНИЙЛАР БОР ЭКАН, БОҒЛАР ЯШНАЙДИ

«Маҳалла» жамғармаси ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти билан ҳамкорликда қўлни қўлга бериб ишламоқдамиз. 1999 йили барча қулайликларга эга бўлган 150 ўринли «Нуроний» шифонаси таъмирланиб ишга туширилди. Бундай соғломлаштириш масканлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам фахрийларга беминнат хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, ўтган вақт ичида жамғармамиз вилоят бўлимлари томонидан минглаб фахрийларимизнинг моддий қўллаб-қувватланди. Биргина Хотира ва Қадрлар куни арафасида уларга 7,3 миллион сўмлик совға-саломлар тарқатилди.

Мухтарам Президентимиз томонидан 9 майни Хотира ва Қадрлар куни деб эълон қилиниши ва икки йилдан бери улуг айём сифатида нишонланаётгани кексаларимизнинг руҳиятини гоят кўтариб юборди. 400 мингдан ортик урушда шахид кетган ватандошларимизнинг

муборак номлари зарҳал харфлар билан битилган Тошкентдаги Хотира мажмуи, Мотамсаро она ҳайкали бугунги кунда барча кишиларнинг кутлуғ зиёратгоҳига айланди. Бундай муборак қадамжолар Нукус шаҳри ва барча вилоятлар марказларида ҳам бунёд этилмоқда.

Фахрийларимиз ижтимоий ва маънавий жабҳада ҳам ўз фидокорлиги, кунюнаклиги ва хушёрликлари билан олдинги сафларда бўлишга интилоқдадилар. Улар турмушдаги

кўплаб муаммоларни вазминлик билан ҳал этадилар, қолаверса, ёшларимизнинг укувли, тарбияли, маданиятли ва эътиқодли бўлиб улғайишларида уларнинг ҳиссалари беқиёсдир. Ёш авлоднинг маънавий тарбиясига айниқса катта эътибор қаратмоқда. Ахир, маънавиятсиз ҳаёт — бўшлиқ, қаердаки маънавий соғломлик мавжуд бўлса, ўша жойда тараққиёт юзага келади. Бу ҳақиқатни донишманд қарияларимиз яхши билишадилар. Шунинг учун ҳам

фахрийларнинг олий ўқув дари талабалари, ҳарбий қисм жангчилари, касб-хунар коллежалари ва академик лицей ўқувчилари билан учрашувлари ёш авлодда катта таассурот қолдирмоқда. Донишмандлардан бири «куч ва кўк ёшликнинг безаги, кексаликнинг безаги эса заковат, мулоҳазалилик ва ҳаракатдир» деган экан. Орамизда одамларга эзгулик улашиб яшаётган нуронийлар жуда кўп. Ҳаётнинг киши-ёзмини қўрган, турмуш

Хабарингиз бор, ўтган йили Республика Вазирилар Маҳкамаси «2000-2005 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кўчатиришга қаратилган чораларни дастури

тўғрисида»ги қарорини қабул қилди. Биз 5 йил давомида ёлғиз кексалар ва ногиронларга алоҳида мақсадли ёрдам беришни кўзда тутувчи қарорни бажариш юзасидан Ижтимоий таъминот ва Соғлиқни сақлаш вазириликлари,

машаққатларини бошидан кечирган, юксак ақл-заковат ва илму тажрибага эга бўлган фаришадасифат қарияларимиздан ҳар қанча ўргансақ озлик қилади. Бугунги кунда миллий гоа ва миллий мафкура асосларини, истиқлолнинг чин моҳиятини ёшларга тушулантиришда нуронийларнинг хиссаси алоҳида эканини яна бир қарар таъкидлашни истардим.

(Давоми 2-бетда)

(Давоми 3-бетда)

Касаба уюшма ҳаёти

Аҳолининг кам таъминланган, кўп болали, ногирон қисмини ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш касба уюшмаларининг ҳам асосий вазифаси ҳисобланади. Бу борада вилоят касба уюшмалари муайян тадбирларни амалга оширмакда.

ИШ ҲАҚИ КЕЧИКСА

раҳбарга жарима солинади

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш касба уюшмалари фаолиятида устувор вазифалардан бири бўлиб, у бир неча йўналишда тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар асосида олиб борилади.

Бу борада вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари билан касба уюшмалари ўртасида тузилаётган келишувлар муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Вилоятимиз ҳокими билан вилоят касба уюшмалари кенгаши раиси ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ҳар йили келишувни имзолаб, унга янги-янги вазифалар киритишди. Унинг бажарилиш яқинлари таҳлил қилиниб, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги илгор тажрибалар умумлаштирилиб, ишдаги мажҳуд камчиликларни бартараф этиш мақсадида тадбирлар белгиланаётди.

Таъкидлаш керакки, вилоятимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича кўпгина корхона, ҳўжалик, ташкилотларда яхши тажриба тўплаган. Масалан, вилоят давлат электр алоқа корхонаси раҳбарияти ва алоқа ходимлари бирлашган касба уюшма кўмитаси амалга ошириётган ишлар ибратлидир. Бу корхонада ижтимоий ҳимоялашга қаратилган кўпгина имтиёزلар белгиланган. Имзоланган жамоа шартномасида кўрсатилган айрим бандларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Жамоа шартномасининг учинчи бўлими меҳнатга ҳақ тўлаш, қўшимча тўловлар, қопламалар, пуллик рағбатлантиришларга бағишланган. Ходимларнинг ойлик маошига устама ҳақ тўлаш — ишчиларга 30 фоиздан, мутахассисларга 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда белгиланган. Меҳнат шароити зарарли ва оғир ишчи-хизматчиларга ойлик маошига нисбатан 20 фоиз қўшимча ҳақ тўлаш кўрсатилган. Байрам, дам олиш кунлари ва иш вақтидан ташқари ҳамда тунги сменаларда ишлаганларга ҳам қўшимча ҳақ тўланапти.

Узоқ йиллар электралоқа тармоқларида узлуксиз ишлаган ишчи-хизматчиларга ойлик иш ҳақи 20-55 фоиз миқдорда қўшимча ҳақ тўланади. Маълумки, айрим корхона ва ташкилотларда ойлик вақтида берилмаётган лиҳти сир эмас. Мазкур корхонада бу иш қўлдан йўлга қўйилган. Ҳар ойнинг 20-кунингача бўнак, 5-кунингача маош тарқатилади. Иш ҳақи кечиктирилган ҳар бир кун учун раҳбарга лавозими иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорда жарима солинади. Иш ҳақи тўлиниши кечиктирилиши узлуксиз 3 мартадан ортиқ зарорланса касба уюшма кўмитаси мазкур корхона раҳбарига эгаллаб турган вазифа-

келиб чиқадиган вазифалар вилоят касба уюшмалари кенгаши мажлиси, раёсат йиғилишида, тармоқ вилоят кўмиталарида муҳокама қилинмоқда.

Амалдаги йилда 1300 дан зиёд жамоа шартномаси имзоланди.

«Жанубгазурилиш», «Урганч пахта тозалаш заводи», «Шовотсавдо», «Гурлан» ҳиссасдорлик жамиятлари, «Хоразмгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари корхоналарда жамоа шартномалари меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашга қаратилган янги имтиёз ва энгилликлар билан бойитилди.

Меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ижтимоий ҳимоя йўналишида олиб борилаётган асосий вазифалардан ҳисобланади. Ҳар йили минглаб кишилар маҳаллий ва марказий сийхатҳоҳларда даволанмоқдалар. Бу йил вилоят мактаб ўқувчиларидан 24 минг нафари оромҳоҳларда дам олади. Улардан 1,5 минг нафари эса Тошкент вилоятидаги оромҳоҳларда бўлиб қайтади.

Таъкидлаш керакки, кейинги вақтда юртимизда мафкура, маданий-оқартув ишлари, жисмоний тарбия ва спорт ишларини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Бу эса жамоа шартномаларида ўз аксини топапти.

Жамоа шартномалари маданий-оқартув, жисмоний тарбия ва спорт ишлари ривожлантириш бўйича тадбирлар белгиланган. Жумладан, соғломлаштириш масканларини таъмирлаш, уларни керакли жиҳозлар билан таъминлаш, саломатлик хоналарини барпо этиш, шаҳар ташқирисидида дам олиш оромҳоҳларига чиқиш, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш, ишлаб чиқариш гимнастикасини ташкил қилиш, маданий-маърифий ва спорт тадбирлари учун идора ҳисобидан маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Бутун республикамизда бўлганидек, вилоятимизда ҳам Мустақиллик байрамининг 9 йиллигини кенг нишонлаш учун қизгин тайёргарлик қўрилмоқда. Касаба уюшма ташкилотлари ҳам бу борада тадбирлар белгилади. Байрам олдиндан аҳолининг кам таъминланган қисми, кўп болали оилалар, ногиронлар, етим—есир, ёлғиз яшаётганлар, касалманд ишчи-хизматчиларга моддий ёрдам бериш режалаштирилди. Мустақиллик байрамига бағишлаб яна бошқа қатор вазифалар амалга оширилади.

О.БОЛТАЕВ,
Хоразм вилояти
касаба уюшмалари
Кенгаши раисининг
ўринбосари.

1991 2000



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ИСТИҚЛОЛ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ БОР

ҚОВУН САЙЛИ

Шоир, саркарда Бобур Мирзо Ватан фироқида маънос ва дилгир юрган кўнларининг бирида Андижон тарафлардан қовун олиб боришди. Қовунни эҳтиром билан шох олдиға қўядилар. Қовуннинг ранги, ҳиди Бобурга юртини эслатади. Битта қовун Ватан тимсоли бўлиб, шоир, саркардининг ҳайратини оширади. Дарвоқе, тилими тили қирқ ёрадиган қовунлар ҳақида кўп ажойиб гапларни айтишган, ёзишган, ҳўп эшитганмиз ҳам. Ҳозир-чи? Ҳозир ҳам ўша таърифи етти иқлимга етган ширин қовунлар борми?



Ҳуқуқий сабоқлар

Оила Кодексининг 130-моддасига асосан фуқаролар учун яна бир қулайлик яратилди, бундан ҳамма ҳам хабардор бўлмаса керак. Эндиликда алимент тўлаши шарт бўлган шахс билан алимент олувчи ўртасида бу тадбир мазкур моддага мувофиқ ўзаро келишув орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Газетчиларнинг шу мавзудаги саволлар билан мурожаат қилаётганлиги боис, мазкур ҳужжатни батафсил шарҳлаб беришни таъминлаш ҳақида Палатаси раиси Мамлакат Амировадан сўрадик.

АЛИМЕНТ ТўЛАШ ТўҒРИСИДА КЕЛИШУВ

— Аввало бу жараёнда томонларнинг ҳуқуқий маънавияти ва маданиятини шакллантириши ҳам ҳисобга олишга тўғри келади. Айтиш жоизки, алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ёзма равишда тузилади. Бунда унинг қонуний кучини таъминлаш учун келишув нотариал тартибда тасдиқланади. Ана шундан сўнг алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ижро варақаси кучига эга бўлади. Бу келишув тарафларнинг ўзаро розилиги билан исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши ҳам мумкин. Келишув қандай шаклда бўлса, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳам ўша шаклда амалга оширилади. Алимент тўлаш тўғрисидаги келишувнинг бажарилишини бир тарафлама раҳбарликдаги ўқувчи ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Тарафларнинг моддий ёки оилавий аҳолида жиддий ўзгаришлар юз берганда ҳамда алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида улар ўзаро келишув олма-салар, манфаатдор тараф келишувни ўзгар-

тириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир. Оила Кодексининг 132-моддасига асосланиб суд алимент тўлаш тўғрисидаги келишувни ўзгартириши ёки бекор қилиши мумкин. Алимент тўлаши шарт бўлган шахсининг иш ҳақи ва бошқа даромадига нисбатан улушлар вақти — вақти билан тўланадиган қатъий бир суммада, бир йўла пул билан тўланадиган қатъий сумма, мол—мулк билан ёки келишувда қайд этилган бошқа усулларда тўлашиши мумкин. Алимент тўлаш ҳақидаги келишувда али-

«Ишонч»га жавоб берадилар

«ХУСУСИЙЛАШТИРИШ: КАМЧИЛИКЛАР ҚИММАТГА ТУШДИ»

Ушбу сарлавҳа остида босилган (газетанинг шу йил 26 апрел сони) мақолада Деҳқонобод тумани ҳўжалиқларида давлатга чорва маҳсулотлари сотиш кўрсаткичлари тобора пасайиб бораётганлиги ва бунинг асосий сабаби озуқа базасининг етарли эмаслиги, инсон омилига эътиборнинг сустлиги каби муаммолар очиб ташланган эди. Кўни-кеча газета чиқишига Қашқадарё вилояти ҳокимлигидан жавоб олинди. Унда жумладан шундай дейилди: — Танқидий мақола Деҳқонобод тумани ҳўжалиқлари раҳбарлари, мутахассислари ва бошқа тегишли ташкилотлар масъул вакиллари иштирокида муҳокама қилинди. Газетада кўрсатиб ўтилганидек, ҳақиқатан ҳам хусусий акционерлик жамиятларида иш юриши, мулкка бўлган муносабатда эскича андозалар амал қилаётгани сабабли моллар бош сони, маҳсулдорлик камайиб кетган. Бу тармоқда ижобий ўзгариш ясаш мақсадида маълум ишлар амалга оширилди. Жумладан, хусусий ҳиссасдорлик жамиятлари қайта рўйхатдан ўтказилди. Қорамоллар бош сонини камайиб кетишига сабабчи бўлган, асосий равишда чикимга йўл қўйган баъзи хусусий ҳиссасдорлик жамиятлари иши туман прокуратурасига оширилди ва айни пайтда улар юзасидан суриштирув ишлари олиб борилаётди. Бўлғуси чорва қишлоғига эҳтиёжга яраша ем-ҳашак жамғиратиш учун туман бўйича 123 та ем-ҳашак таёрлаш бригадалари ташкил этилди. Шунинг ҳам ай-



«БОЛАЛАРНИ УНУТМАНГ, ҲОКИМ БУВА»

Газетамизнинг шу йил 24 май сонидида юқоридида сарлавҳа остида чоп этилган мақолада Иштихон туманининг «Меҳнатроҳат» жамоа ҳўжалиқини худудда жойлашган оромҳоҳ болалар таътили масъуми яқинлашиб қолганига қарамай таъмирлаш ишлари ўлда-жўлдалиги танқид қилинган эди. Кўйида ушбу мақола юзасидан келган жавоб хати билан танишасиз. — Газетада кўрсатилган далиллар тўғри. Қ.Қариев номи болалар оромҳоҳи тезкорлик билан таъмирдан чиқарилди. Тадбирда тумандаги барча жамоа ҳўжалиқлари ва ташкилотлар баҳоли қудрат ўз ҳиссаларини қўшишди. Дам олиш маскани 12 июндан 140 нафар ўғил-қизга ўз бағрини очди. Иккинчи босқичда ҳам шунча болаларнинг хордиқ чиқариши таъминланди. Бироқ шунинг ҳам қайд этиш лозимки, мақолада кўрсатиб ўтилган жамоа ҳўжалиқларининг оромҳоҳдан 1,5 миллион сўмдан кўпроқ қарзи занаунага ҳал этилмаган. Бу муаммони бартараф этишни ҳокимлик ўз назоратига олди. Айни пайтда эса ҳўжалиқлар қарзлари ҳисобидан оромҳоҳни озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашмоқда.

Ю.МУҲАММАДИЕВ,
Иштихон тумани ҳокими ўринбосари.

НУРОНИЙЛАР БОР ЭКАН, БОҒЛАР ЯШНАЙДИ

(Боши 1-бетда)
Ўтган йили фахрийлар ташаббуси билан барча вилоятларда жами 20353 та оилавий боғлар яратилди. Юзлаб нурунийларнинг йўл-йўриқлари, билим ва тажрибаси асосида республикада 3577 та янги боғлар барпо қилинди. Хусусан, Навоий вилоятининг Нурота туманида яшовчи Турсун ота Эргашев 8 гектар тошлоқ ерга ишлов бериб, ажойиб боғ бунёд этди. Косонсойлик ака-ука фахрийлар марҳум Икромхон ва Исламхон Авлиёевлар фарзандлари билан 3200 туп олма, нок, шафтоли, ўрик ва гилоснинг сара навларини экиб, қарийб 10 гектарлик боғ ташкил қилишди,

боғ теварағидидаги бўш ерларга эса 10000 туп терак қўнчалари ўтказишди. Қува туманининг Навоий номи жамоа ҳўжалиғида 40 йилдан бунён боғбонлик қилиб келаётган Фозил ота Холмаев эса аждодларимиз яратган ва кейинчалик йўқолиб кетган қўнлаб навларни қайта тиклади. Эндиликда боғбоннинг уч ўғли ота касбини танлаб, юртимизда мевали боғларнинг кўпайишига ҳисса қўшишмоқда. Хатирчиллик 2-гурӯҳуруш ногирони Тўракул Мавлонов теракзорларни кенгайтириш борасида яхши иш бошлади. У бир неча йил илгари 7 гектар ерга олиб, унга 20 минг дона «Калифорния» навли терак қаламчаларини эканди. У раҳбарлик қилаётган «Шамс» хусусий корхонаси

ҳар йили ўртача 100-150 минг дона терак қўнчаларини сотиб, салкам 500 минг сўм миқдорда даромад топомқда. Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат ташкилигини ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини бажариш юзасидан барча вилоятларда улкан ишлар қилинди. Шу ўринда бобоми Амир Темур боғларини қайта тиклаш, янги боғроғлар яратиш ҳамда теракзорлар бунёд этиш бора-сида самарқандлик моришкор ва меҳнатсевар боғбонларининг хизматлари билан алоҳида таъкидлаш жоиздир. Республика бўйича эндиликда 60 миллиондан ортиқ терак ва бошқа ёғочбоп дарахтлар мавж

Эркин БОҚИБОВ,
Ўзбекистон
фахрийлари
ижтимоий қўллаб-
қувватлаш «Нуроний»
жамғармаси
Марказий Кенгаши
раиси.

